

# Бу ерада сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин



РАҲБАРЛАР, ИҚТИСОДЧИЛАР,  
ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ЁШ ОЛИМЛАР  
**ДИҚКАТИГА!**

“Biznes-Эксперт” журналига йил давомида обуна бўлиш мумкин.  
Нашрга обунани расмийлаштиргач,  
Сиз ишончли эксперт ахборотига эга бўласиз.

Журналга “Ўзбекистон почтаси” АЖ, “Matbuot tarqatuvchi” АЖ  
ва бошқа обуна агентликлари орқали обуна бўлиш мумкин.

Ундан ташқари Сиз обуна шартномасини тўғридан-тўғри  
“Бизнес-Daily Медиа” Ноширлик уйи МЧЖ билан ҳам  
расмийлаштиришингиз мумкин. Обуна индекси – 1169.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (99871) 259-21-96, 259-21-95.

# Biznes-Эксперт

№ 9-10, 2020

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

МОЛИЯ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

ИЛМИЙ АМАЛИЁТ

Ушбу сонда:

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик –  
аҳоли бандлигини таъминлашнинг самарали  
механизми сифатида

70

В этом номере:

Внедрение аппаратно-программного комплекса  
«Единая национальная система труда»

122

ПРИВАТИЗАЦИЯ ФИНАНСЫ ЦЕННЫЕ БУМАГИ НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

## ДИҚКАТ!

“Бизнес-Daily Медиа” ноширлик уйи МЧЖ ва EBSCO Publishing, Inc. (АҚШ) ўртасида 2017 йил 8 августа тузилган лицензия шартномасига асосан, “Biznes-Эксперт” журнали жаҳоннинг энг йирик академик нашрлар электрон тизими хисобланган EBSCOhost маълумотлар базасига киритилган ва шу тизим орқали дунё бўйлаб тарқалмоқда.

## ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал «Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных изданий Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертаций.

# Biznes-Эксперт

«Biznes-Эксперт»  
журналига 2020 йил  
учун обуна давом  
этмоқда.

## Вақтни бой берманг!

### Сиз журналга обуна бўлиш орқали:

- Ўзбекистон Республикасида ўtkазилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳақида таҳлилий мақолалар;
- мамлакатимиз ва жаҳон иқтисодиёти барча тармоқларининг таҳлили ва шарҳига бағишиланган мақолалар;
- жаҳон ва мамлакатимиз фонд, валюта, товар-хом ашё биржаларидағи савдо якунлари ҳамда иш жараёнларини ёритувчи мақолалар;
- жаҳон молия бозорлари, банк, суғурта, лизинг тизимларида рўй бераётган энг сўнгги маълумотлар;
- валютани мувофиқлаштириш, валюта курсларидаги ўзгаришларнинг иқтисодий вазиятга таъсири, дунё валюталари ҳақида ахборотлар;
- корпоратив бошқарувнинг жаҳон амалиёти, янгиликлари, соҳанинг кўзга кўринган мутахассислари берган назарий ва амалий шарҳлар;
- маркетинг мутахассислари учун: маркетинг, истеъмолчилар, ижтимоий ва бошқа тадқиқотларни ўtkазиш, ахборотлар олиш ва уларни қайта ишлаш услублари;
- бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва божхона қонунчилиги каби долзарб масалаларнинг муҳокамаси;
- илмий даражага даъвогар иқтидорли талаба ва ёш олимларнинг изланиш ва тадқиқотлари билан бевосита танишиш имконини қўлга киритасиз.

## УНУТМАНГ!

Biznes-Эксперт журнали сизнинг энг яқин ҳамкорингиз

ISSN 2181-7235



2181-7235

Обуна индекси – 1169  
Кўшимча маълумот учун телефон:  
(71) 259-21-95

# Biznes-Эксперт

По вопросам размещения рекламы обращаться по телефонам:  
259-22-06, 259-21-97

Варианты размещения	Стоимость однократного размещения, тыс. сумов	Размеры модуля
Вторая-третья страницы обложки		
Страница	600	295×205мм
½ страницы	310	145×205мм, 295×105мм
¼ страницы	210	100×205мм, 295×65мм
⅓ страницы	160	145×105мм, 78×205мм
Внутренние страницы		
Разворот	1000	295×410мм
Страница	400	295×205мм
½ страницы	210	145×205мм, 295×105мм
⅓ страницы	140	100×205мм, 295×65мм
¼ страницы	110	145×105мм, 78×205мм
Classified*	40	50×60мм
Четвертая страница обложки		
Страница	800	295×205мм

\* - минимальный рекламный модуль (размер 50\*60мм) публикуется на внутренних страницах.






Скидки даются за кратность публикаций при объеме рекламы и объявлений не менее 100 кв. см и только при 100%-ной предварительной оплате заказа на следующих условиях:

- размещение от 3 до 5 раз – 5%;
- размещение от 6 до 8 раз – 10%;
- размещение от 9 до 12 раз – 20%;
- размещение от 13 и более раз – 25%;
- размещение минимального рекламного модуля в одном номере от 5 и более раз – 10%.

Стоимость подписки на один экземпляр журнала на весь 2020 год 300 000 сумов.

Технические требования к макетам:  
Форматы: TIFF, CDR (Corel Draw), AI (Adobe Illustrator) или INDD (InDesign).  
Цветовая модель CMYK, разрешение – 300 dpi

### Варианты размещения рекламы в журнале



# Мундарижа

## Аутсорсинг

Салима ХАШИМОВА. Замонавий бизнес стратегиясида аутсорсингдан фойдаланиш мөхияти ва имкониятлари 3

## Кластер

Гулчехра ХАЛМАТЖАНОВА.  
Ўзбекистон иқтисодиётда пахта-тўқимачилик кластерларини шакллантириш механизмини ишлаб чиқишида услугубий ёндашувлар 7

## Нигоҳ

Абдулла МИРЗАЕВ. Сугорма ерлардан самарали фойдаланишинг экологик ва ҳуқуқий жиҳатлари 10

## Реал сектор

Мунира СУЛТОНБОЕВА, Моҳира ПУЛАТОВА.  
Реал сектор корхоналари фаолиятини кўллаб-куватлашнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш 13

## Менежмент

Абдувоси НАЗИРОВ, Зарина АШУРОВА, Равшан ХАЛИЛОВ.  
Үй-жой коммунал хўжалиги бошқарув муаммолари ва уарни ҳал этиши йўлари 17

## Кичик бизнес

Рустам ИСРАИЛОВ, Абдулхамид ХОЛМИРЗАЕВ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари 20

## Корпоратив бошқарув

Гўзал ХАНКЕЛДИЕВА. Акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқарувни сифат дарражасини баҳолаш 22

## Услубиёт

Иродда НИЁЗОВА, Гулнора БОБОЕВА.  
Иқтисодий фанларни ўқитишида инновацияси усуллар ва ёндашувлар 25

## Хориж тажрибаси

Омонулло ХАМДАМОВ, Шахноза МАДЖИДОВА, Зуҳридин САНЖАРОВ.  
Корпоратив венчур молиялаштиришга доир хорижий давлатлар амалиётининг таҳлили 29

## Савдо

Сардор ТУРСУНХЎЖАЕВ. Чакана савдо тизимида яширип иқтисодига қарши курашища маркетингдан фойдаланиш 35

## Қишлоқ хўжалиги

Маврудда ТАЙРОВА, Ботир ОБИДОВ. Замонавий шароитларда фермер хўжаликларини ривожлантириш масалалари 39

## Кун мавзуси

Энлорахон МУМИНОВА. Корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқариши хусусиятлари 42

## Стратегия

Дилмурод ТАЖИВАЕВ.  
Корхона ва ташкилотларни бошқариша стратегик вазифалар 46

## Инновация

Умида БАЙМАТОВА, Собиржон ЮСУФЖОНОВ.  
Инновацион ривожланишига эътиборни кучайтириш – давр талаби 49

## Тараққиёт

Бахтиёр МАВЛЯНОВ, Олмажон ПАРПИЕВА.  
Глобаллашув даврида иқтисодий ривожланиши – бosh мақсадимиз 52

## Банк иши

Зафаржон АБДУЛЛАЕВ.  
Банк ийғимининг мухим жиҳатлари 55

## Тадқиқот

Гулбухор СОЛИЕВА, Умиджон СУЛТОНБОЕВ.  
Ўзбекистонда тижорат банклари ва савдо субъектлари муносабатларини ривожлантириш муаммолари 58

## Логистика

Барно КЕНЖАЕВА, Ниуфар ШАНАЗАРОВА.  
Йўловчилик ташвиши ташкил этиши логистик ёндашув 64

## Маркетинг

Бахромбек БОБОЖАНОВ. Фармацевтик товарлар бозорида иштепмолчилар билан ўзаро муносабатлар маркетинги 66

## Бандлик

Анвар ХОДЖАЕВ, Лазиз ЖИЯНОВ, Азизбек ҚУРБОНОВ.  
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – аҳоли бандлагини таъминлашнинг самарали механизми сифатида 70

## Тадбиркорлик мухити

Наргиза ХАМИДОВА, Мафтұна АМАНОВА. Ўзбекистонда тадбиркорлик мухитини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари 73

## Банк хизматлари

Салоҳиддин РАЙИМНАЗАРОВ.  
Замонавий банк хизматлари кўрсатишнинг мөхияти ва турлари 76

## Таҳлил

Собира УСМАНОВ.  
Пандемия. Туризм соҳасидаги молиявий тебранишлар 79

## Рақамли иқтисодиёт

Даврон РАҲМАТКАРИЕВ. Ўзбекистонда электрон хукумат тизимининг ривожланиши ҳолати ва таҳлили 83

## Хизматлар соҳаси

Камолиддин ИБОДОВ. Ресторан хизматлари соҳасидаги мижозларнинг қониқданлик дарражасини баҳолаш 86

## Жараён

Дилфуз УМАРОВА. Йўловчи ташиши транспорт хизматлари маркетингининг ўзига хос хусусиятлари 91

## Тадбиркорлик

Жамшид ЭРГАШЕВ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича илор хорижий мамлакатлар тажрибаси 96

## Иқтисодиёт

Равшан КАЛАНДАРОВ. Иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишида институционал ўзгаришларнинг хорижий тажрибаси 99

## Саноат

Комила ХОНКЕЛДИЕВА.  
Ўзбекистонда тўқимачилик кластерларини бошқаришнинг ташкилий-иктисодий асослари 103

# Содержание

## Корпоративное управление

Мухамаджон ТОЛИПОВ, Шахноза АБДУЖАББАРОВА.  
Немецкая модель корпоративного управления и её особенности 107

## Автомобильная промышленность

Дильдар ЯКУБОВА, Нозима КАСЫМОВА. Основные направления развития автомобильной промышленности Республики Узбекистан 110

## Экономика транспорта

Аяттило ШАРУСТАМОВ.  
Развитие транспортного комплекса Республики Узбекистан 114

## Развитие туризма

Сардор ХАМИДУЛАЕВ, Мамурахон УММАТҚУЛОВА.  
Принятые меры и перспективы развития индустрии туризма в Узбекистане 117

## Цифровая экономика

Шерзод КУДБИЕВ. Внедрение аппаратно-программного комплекса «Единая национальная система труда» 122

## Страхование рисков в туризме

Умида МАКСУДОВА.  
Классификация рисков в туризме 126

## Энергетический сектор

Хуснорахон ХАСАНОВА. Современное состояние электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан 129

# Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – аҳоли бандлигини таъминлашнинг самарали механизми сифатида

## Малый бизнес и частное предпринимательство как эффективный механизм содействия занятости населения

### Small business and private entrepreneurship as an effective mechanism for employment promotion

Анвар ХОДЖАЕВ,  
Лазиз ЖИЯНОВ,  
Азизбек ҚУРБОНОВ,  
БухДУ ўқитувчилари.

#### Аннотация

Мақолада аҳоли бандлигини таъминлашида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти ёритилган. Кичик бизнеснинг бандликка таъсири ва ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириши йўналишилари кўрсатилган.

*В статье подчеркивается важность малого бизнеса и частного предпринимательства в обеспечении занятости. Изучены особенности и влияние малого бизнеса на занятость. Также обозначены направления развития малого бизнеса и частного предпринимательства в сфере занятости.*

*This article highlights the significance and features of creating a favorable business environment for the further rapid development of private property and private entrepreneurship, as well as practical conditions for business in Uzbekistan.*

Хозирги кунда бутун дунёда тобора кенгайиб бораётган глобал ҳодиса COVID-19 пандемияси фонида дунё ҳамжамиятида кузатилаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз, турли давлатларда намоён бўлаётган демографик вазият иқтисодиётнинг барча тармоқларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай вазиятда аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш янада муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолининг самарали бандлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий иқтисодий ислоҳотларнинг асосини ташкил этмоқда. Чунки, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг ошишига эришилади.

**Калит сўзлар:** бозор иқтисодиёти, бандлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, самарали бандлик, турмуш даражаси, фаровонлик.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва тадбиркорлик энг мақбул воситалардан биридир. Мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантиришнинг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари йўли танлаб олиниши бир қатор макроиқтисодий муаммоларни ҳал этишга имкон яратмоқда. Шундай макроиқтисодий муаммолардан бири аҳолининг самарали бандлигини таъминлаш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламидаги муаммоларни ҳал этиш, турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш ҳисобланади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганлариdek: "...жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳа-

мият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидаларига кенг йўл очиб берилади. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар қўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади. Шу билан бирга, ҳамма ҳам тадбиркор бўла олмайди. Шу сабабли бундай одамлар билан тизимни иш олиб бориб, уларни касбга қайта тайёрлаш орқали уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш лозим” [1].

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришdir. Бу муаммони ҳал этишда аҳолининг иш билан бандлик масаласи алоҳида ўрин тутади. Шу сабабли, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш амалга оширилаётган барча сифат ва миқдор ўзгаришларнинг бош мақсади сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган ва қўйидаги вазифалар белгиланган [2]:

- аҳолининг реал пул даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оиласлар сони ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш;

- бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда босқичма-босқич ошириш;

- янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта маҳсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфратузилмасининг мутаносиб ривожлашишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;

- меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини юксалтириш, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини

ошириш тизимини кенгайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самараదорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони қабул қилинди [3]. Президент Фармонида иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва диверсификациялаш, фаол инвестиция сиёсати юритиш ҳисобига етакчи тармоқларни модернизациялаш ҳамда технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш асосида ҳар йили минглаб янги иш ўринлари яратилаётганлиги ва бу, ўз навбатида, ўта долзарб муаммо ҳисобланган аҳоли, авваламбор ёшлар бандлигини таъминлаш имконини беряётганлиги таъкидланган. Шу билан бирга мазкур Фармонда, бандлик соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳалигача эскирган иш шакллари ва услубларидан фойдаланимоқда, меҳнат бозоридаги ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиш ҳоллари сақланиб қолинаётганлиги, муҳим ижтимоий масала ҳисобланган олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга юзаки ёндашув ҳолатлари учраётганлиги ҳамда, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларида жойларда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва жавобгарлик механизмларидан яхши фойдаланилмаётганлиги қайд этилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолининг иш билан бандлиги ва қўшимча даромад олиш имкониятини яратиш орқали жамиятдаги ижтимоий мувозанатни сақдашга, аҳоли орасида ўрта мулқдорлар қатламини шакллантиришга катта ҳисса қўшиши билан муҳим аҳамият касб этади. Зоро, тадбиркор ўз маблагларини ишлаб чиқариш соҳасига киритар экан, айни дамда ўз даромадини ошириш билан бир қаторда жамият бошқа аъзоларининг ҳам иш ва даромад билан таъминланишига моддий негиз яратади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли самарали бандлигини таъминлаш, пул даромадларининг ўсиши, унинг харид қобилиятини ошириш, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтириш ҳамда пировардида эса мамлакатда иқтисодий фаолликни таъминлашда ҳамда миллий

иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда дастуруламал бўлиб хизмат қиласди.

Кичик ва ўрта бизнес БМТнинг Барқарор Ривожланиш Мақсадларига “инклузив ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, бандлик ва муносаб мөхнат ҳамма учун” (8-мақсад) ва “барқарор инфратузилмани яратиш, барқарор саноатлаштириш ва инновацияларни қўллаб-куватлаш”га (9-мақсад) эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Кичик бизнеснинг мөхнат бозорида иш билан бандикка таъсири – қўшимча иш жойлари ташкил этиш тезлаштирилишига унинг ташкил этилиши ва амалий фаолиятини бошлаши йирик корхоналарга нисбатан осонлиги билан ҳам изоҳланади.

Янги иш ўринлари ташкил этишда капитал сарфи ҳажми энг бирламчи омиллардан саналади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида йирик корхоналарга нисбатан кам капитал сарфланиди ва айнан мазкур жиҳат орқали кичик бизнеснинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги аҳамияти яққол кўзга кўринади.

Аҳоли ташаббуслари, ижодий ва бизнес гояларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида амалга оширилиш имкониятлари ниҳоятда юқориидир, чунки, кичик бизнесда таваккалчилик даражаси бошқа субъектларга нисбатан

паст ҳисобланади.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг 2000 йилда жами мөхнат бандлигига улуши 49,7 фоизни ташкил этган бўлса, мазкур соҳани ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш натижасида 2018 йилда унинг улуши 76,3 фоизга етганлигини ижобий баҳолаш мумкин [5].

Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес корхоналарида мослашувчан иш графиги, яъни тўлиқ бўлмаган иш куни ёки ҳафтасининг мавжудлиги аҳолини кўпроқ жалб этиб, самарали бандликни таъминлашга хизмат қиласди.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда қўшимча иш жойлари ташкил этишининг замонавий шакллари бизнес фаолиятининг муваффақиятини таъминлаб, аҳоли бандлиги, даромадлари ва турмуш даромадларини оширишнинг самарали воситаларидандир. Кичик бизнесда бандликнинг ностандарт шаклларидан бири ҳисобланган касаначилик шакли мөхнатга қобилиятили аҳоли бандлиги ва оила бюджети барқарор даромадини таъминлаш муаммоларини ҳал этиш йўлида, мулкий, ҳуқуқий ҳамда ижтимоий мөхнат муҳофазасигина емас, балки, мамлакатимизда шиддат билан кечаётган бозор, муносабатларида тобора кенг намоён бўлаётган молиявий-иқтисодий имкониятлар истиқболидир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи”. 2017 йил 8 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва мөхнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи”. 2017 йил 25 май.
4. Дусматов С.М., Тагаев Б.Э. Тадбиркорликни ривожлантириш – аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий воситаси//Иқтисод ва молия. №11 2019 74-б.
5. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) маълумотлари.